САЙЛОВГА 3 КУН ҚОЛДИ!

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.ru

2019-YIL 19-DEKABR, PAYSHANBA, 51 (841)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон – Япония:

савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорлик соҳасида янги саҳифа

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 17 декабрь куни расмий ташриф билан Нагоя шаҳрига келди.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг таклифига биноан 17 декабрь куни расмий ташриф билан Нагоя шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи дастури 18 декабрь куни тонгда Аичи префектураси губернатори Хидэки Омура билан учрашувдан бошланди.

Аичи префектураси Япониянинг марказий қисмида, Тюбу вилоятида жойлашган. Префектуранинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 375,3 миллиард доллар бўлиб, Токиодан кейин иккинчи ўринда туради. Автомобилсозлик, аэрокосмик саноат, керамика буюмлари ишлаб чиқариш, металлургия, қишлоқ хўжалиги ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқлари ҳисобланади.

Аичи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Японияда етакчи. Ҳудудда "Toyota" корпорацияси, шунингдек, автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган кўплаб заводлар (кластерлар) қароргоҳлари ва ишлаб чиқариш қувватлари жойлашган. Шунингдек, бу ерда Японияниг Toyota Motor Corporation, DENSO, Panasonic Ecosystems, Mitsubishi Aircraft Corporation, Brother Industry, Aichi Steel, Makita, Rinnai, INAX, Kagome, Daido Metal Industry, Asahi Beer сингари йирик компаниялари фаолият кўрсатади.

Транспорт қисмлари, технологик ускуналар, чўян ва пўлат, каучук ва пластмасса ишлаб чиқариш бўйича ҳам префектуранинг салоҳияти юқори.

Тюбу вилояти самолёт ва улар учун эҳтиёт қисмларнинг 50 фоизини ишлаб чиқарадиган Японияниг аэрокосмик технологиялар тайёрлайдиган йирик маркази ҳамдир. Аичи префектураси саноат роботлари етказиб бериш, уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва соҳада фаолият юритувчи мутахассислар сони бўйича Кунчиқар мамлакатда биринчи ўринда туради.

2018 йилда ҳудуднинг ташқи савдо айланмаси 226,5 миллиард долларни ташкил этган. АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, Корея Республикаси унинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланади.

Ўзбекистон учун Японияниг ушбу маъмурий ҳудуди билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳар томонлама манфаатлидир.

Учрашувда мамлакатимиз билан Аичи префектураси ўртасида таълим ва маданият соҳасида самарали мулоқотлар йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Инновациялар, саноат, қишлоқ хўжалиги ва қўшма агрокластерлар ташкил этиш, туризм, академик алмашинув соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш учун имкониятлар мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон томонидан префектуранинг шериги этиб Тошкент вилояти белгиланди. Ўзаро ташрифларни ташкил қилиш ва Аичидан авиақатновларни йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳри мэри Такаси Кавамура билан учрашув ўтказди.

Нагоя Японияниг илм-фан ва саноат тараққий этган йирик маркази бўлиб, ялпи ички маҳсулоти 117 миллиард доллардан ошади. Бу аҳоли жон бошига ҳисобланганда 52 минг долларга тенг. Машинасозлик, металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, енгил саноат ҳудуднинг асосий саноат тармоқлари ҳисобланади.

2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Нагоя университетидаги учрашувдаги нутқи

Муҳтарам Мацуо жаноблари!

Ҳурматли профессорлар ва талабалар, университет жамоаси!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Нагоя университети президентининг самимий дил сўзлари ва эзгу тилаклари учун чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Ўйлайманки, менинг Президент сифатида мамлакатингизга илк ташрифим ҳақида билдирилган фикрлар, мана шундай эътибор, бир-биримизга ҳурмат, илиқ муносабат ҳақиқатан ҳам Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, келгусида катта натижаларга эришиш йўлида ишончли замин яратади.

Биз Нагоя университетини дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан бири сифатида эътироф этамиз.

Нобель мукофоти совриндорлари Рёжи Ноёри, Осаму Симомура, Макото Кобаяси, Тосихиде Маскава, Исаму Акасаки, Хироси Амано ва бошқа машҳур олимларни етиштириб берган ушбу университетнинг фахрий доктори деган юксак шарафга муносиб кўрилганимдан ғоятда хурсандман.

Бу унвонни мен аввало Ўзбекистон халқига кўрсатилган эҳтиром ифодаси, деб қабул қиламан ва бунинг учун Нагоя университети раҳбариятига, унинг илмий жамоасига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Мен Нагоя университетининг фахрий доктори сифатида Ўзбекистонда унинг улкан илмий салоҳияти ва ютуқларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишга, таъбир жоиз бўлса, ушбу университетнинг ишончли вакили сифатида иш олиб боришга ҳаракат қиламан.

Бутун жаҳонга машҳур Нагоя шаҳри ҳақида халқ орасида шундай ибора бор экан: "Нагоя қалъаси бўлмаганида Нагоя шаҳри ҳам бўлмас эди". Мен бунга қўшимча қилиб: "Нагоя университетисиз Нагоя шаҳрини ҳам тасаввур этиб бўлмайди", деган бўлардим.

Маълумки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга. Японияниг машҳур Нара шаҳри музейида сўғд ёзувида битилган ёдгорликлар борлиги буни яққол тасдиқлайди.

Япон археологи, марҳум профессор Като томонидан Кушон подшоҳлигининг дастлабки пойтахти бўлган Ўзбекистондаги Далварзинтепадан топилган будда ибодатхонаси ва қирққа яқин ҳайкаллар япон ва жаҳон илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Шу ўринда ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятлар билан бирга илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби эзгу фазилатлар бирлаштириб туришини эътироф этмоқчиман.

Бизнинг улуғ боболаримиз – алгебра фани ва "Алгоритм" тушунчасининг асосчиси Ал-Хоразмий, Ернинг айланаси узунлиги ва радиусини илк бор ҳисоблаб чиққан Ал-Беруний, тарихда Авиценна номи билан машҳур бўлган, жаҳон тиббиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Сино, ноёб расадхона ва 1018 та юлдузнинг жойлашуви аниқ акс эттирилган астрономик жадвал яратган Мирзо Улуғбек каби буюк ўзбек олимларининг илмий меросини, ўйлайманки, сизлар яхши биласизлар.

2

БИЗНИНГ ОВОЗ



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Бизнинг овоз дахлдордир асрларга,
Янги давру замон, янги наслларга.
Юракларга келган янглиғ яна баҳор,
Бизнинг овоз – ифор тўла она диёр.
Эзгу орзу-ниятларга парвоз берамиз,
Элу юртнинг бахти учун овоз берамиз.

Давру Замон шиддатлидир –ортга қайтмас,
Инсон умри меҳнатлидир, сайру гаштмас.
Ватан ватан бўлгайму биз жон чекмасак,
Жондан кечиб, заҳматин ҳар он чекмасак.
Ўйламангким биз сўзга пардоз берамиз,
Ватан учун, халқ учун овоз берамиз.

Бу синовлар, имтиҳонлар дунёсида
Инсон яшар ўт билан сув аросида.
Инсонми у эзгулик деб тўлғонмаса,
Маърифатнинг нури билан чулғанмаса?
Қодирий ҳам Чўлпон учун овоз берамиз,
Ўлмас илму ирфон учун овоз берамиз.

Оталармиз, оналармиз, фарзандларимиз,
Барчамиз ҳам бир Ватанга дилбандларимиз.
Орзулар бўй чўзиб, боғу чаман ўсгай,
Ҳар ўғил-қиз тимсолида Ватан ўсгай.
Олтин бешик – тахти учун овоз берамиз,
Фарзандларнинг бахти учун овоз берамиз.

Кўнгилларни шаҳарлардай обод этиб,
Келажакни биз бугундан бунёд этиб –
Жаҳон ичра гўё мисли янги жаҳон
Қад ростлайди мутлақ янги Ўзбекистон.
Биз миллатнинг равнақига парвоз берамиз,
Ватан учун, миллат учун овоз берамиз.

Шавкатли эл бу дунёда давлатлидир,
Давлатли эл олам аро шавкатлидир.
Сўйлайверса адо бўлмас дардларинг бор,
Дардларингни аритгувчи мардларинг бор.
Шундай шаъну шавкат учун овоз берамиз,
Мангу тожу давлат учун овоз берамиз!

Ўзбекистон ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун очиқдир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифи доирасида ушбу мамлакатда чоп этиладиган "Nikkei" газетасига интервью берди.

1876 йилда асос солинган, дунёда молиявий йирик молиявий нашрлардан бири бўлган ушбу газета 3 миллиондан зиёд нусхада чоп этилади. Қуйида ушбу интервьюнинг таржимаси берилмоқда.

– Муҳтарам Президент Жаноблари, Сиз Япония билан икки томонлама муносабатлар, айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз?

– Япония Ўзбекистон учун доимо вақт синовидан ўтган, ишончли ва стратегик шерик бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Япония ҳукуматининг кўмагида, "Ривожланиш учун расмий ёрдам" дастури доирасида мамлакатимизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Иқтисодий ҳамкорлигимизнинг асосий соҳалари – бу электр энергетикаси, нефть-газ, нефть-кимё ва кимё тармоқлари, машинасозлик ва туризм ҳисобланади.

Ишонаманки, бўлажак Ўзбекистон – Япония саммити доирасида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги даврни бошлаб, шериклик алоқаларимизнинг янги йўналишларини белгилаб беради.

– Японияга ташрифингиз доирасида қандай икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган?

– Ташриф давомида Япония етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини назарда тутадиган бир қатор шартномаларни имзолашни режалаштирганмиз.

Амалга оширилиши белгиланган қўшма инвестициявий лойиҳаларнинг умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.

Йирик ва муҳим аҳамиятга молик лойиҳалар орасида қиймати қарийб 2 миллиард доллар бўлган Навоий иссиқлик электр станциясининг учинчи ва тўртинчи буғ-газ қурилмасини қуриш бўйича ишлар давом эттирилишини алоҳида таъкидлашни истардим. Яна бир муҳим лойиҳа (қиймати 200 миллион доллар) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган замонавий қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этишга қаратилган.

– Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий салоҳияти ва жозибадор жиҳатларини нималарда кўрасиз?

– Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестиция муҳитининг яхшиланиши натижасида хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 2 баробарга ортди. Бугунги кунда уларнинг сони 10 мингни ташкил этмоқда.

Биз бу йил хорижий инвестицияларни уч баробар кўп, яъни 7 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдорда ўзлаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Ўзбекистон улкан минерал-хомашё ресурсларига эга бўлиб, олтин, уран, мис, калий тузлари, фосфоритлар каби фойдали қазилмалар захиралари бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида қайд этилади. Биз биргаликда илғор япон технологиялари ёрдамида уларни янада чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга эришишимиз мумкин.

– Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган барча давлатлар ва компанияларни қизиқтирадиган бир савол билан мурожаат қилишга рухсат этсангиз: мамлакатда кенг миқёсдаги ислоҳотлар давом эттириладими, кейинги таркибий ўзгаришлар қандай бўлади?

– Кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, халқаро майдонда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун 2017 йилдан эътиборан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ислоҳотларни бошладик. Иқтисодиётни либераллаштириш ишлари ва маъмурий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, миллий валютанинг эркин конвертацияси жорий этилди.

Биз рақобат ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг қатъий кафолатлари, мазкур соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бизнес ва сармоя муҳитини яхшилашга муҳим аҳамият қаратмоқдамиз. Буларнинг барчаси, жумладан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишига қаратилган.

Биз хорижий инвесторларнинг қўллаб-қувватлашидан умидвормиз. Ҳукуматимиз хорижий инвестицияларни имкон қадар ҳимоя қилиш ва Ўзбекистонга сармоялар оқимини кенгайтириш мақсадида ишончли рағбатлантириш омилларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар ортга қайтмайдиган даражада муқаррар тус олди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор. Чунки, бу ислоҳотлар бизнинг миллий манфаатларимизга, халқимизнинг орзу-интилишларига мос келади.

– 2016 йилда мамлакат Президенти лавозимига сайланганингиздан сўнг Сиз ҳокимиятни демократлаштириш ва унинг очиқлигини таъминлаш сиёсатини амалга оширишга киришдингиз. Ушбу сиёсат давом эттириладими ва шу жиҳатдан қараганда, бўлажак парламент сайловларининг аҳамияти нималардан иборат?

– Давлат раҳбари сифатидаги фаолиятимнинг илк кунларидан бошлаб жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатнинг янгиланиши ва модернизация қилинишига биринчи даражали аҳамият қаратиб келмоқдаман.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон виза режими энг либерал давлатлар рўйхатида МДҲ ҳудудида иккинчи ва Марказий Осиёда биринчи ўринда туради. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизга 86 та давлат фуқаролари визасини олмасдан келиб-кетиши мумкин.

Бугун Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Биз, албатта, ёш авлод ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик қиламиз.

Бўлажак парламент сайловлари миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши йўлидаги яна бир амалий қадам бўлади.

– Ўзбекистон ташқи сиёсатда қандай тамойилларга таянади?

– Бизнинг мақсадимиз – халқаро майдонда, жумладан, жаҳон хўжалик муносабатларида муносиб ўрин эгаллашдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналиши – Марказий Осиё минтақасидир. Сўнгги уч йил мобайнида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланди, ўзаро сиёсий ишонч сезиларли даражада ортди, кооперацион ва гуманитар алоқалар фаоллашди.

Минтақамизда барқарорликни таъминлаш қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Евроосиёнинг транспорт-транзит ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз, минтақамиз орқали Шарқдан Ғарбга ва Шимолдан Жанубга ўтадиган мавжуд транспорт ва иқтисодий коридорларни мустаҳкамлаш ва янгиларини яратиш тарафдоримиз.

Биз барча шерик давлатлар – Россия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Европа давлатлари ва мусулмон дунёси мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

2



Ўзбекистон – Япония: савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорлик соҳасида янги саҳифа

Бошланиши 1-саҳифада.

Япониянинг энг йирик портларидан бўлган Нагоядан йилига 110 миллион тоннадан зиёд юк ташилади.

Музокарада Нагоя мэрияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи натижасида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Пойтахтимиз Тошкентда Нагоя юқори технологиялар паркини ташкил этиш, иқтисодиёт, саноат, транспорт, таълим, туризм ва бошқа устувор йўналишларда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидан.

2020 йилга мўлжалланган қўшма тадбирлар "йўл харитаси"ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Учрашув сўнгида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Нагоя мэрияси ўртасида шериклик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасидаги навбатдаги муҳим манзил Нагоя университети бўлди.

Нагоя университети дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан, қитъадаги ўнта энг намунали олий таълим даргоҳларидан биридир. Мазкур университетда дунёга машҳур кўплаб олимлар таълим олган ва меҳнат қилмоқда, бу ердан физика ва кимё фанлари бўйича олти нафар Нобель мукофоти совриндори етишиб чиққан. Бугунги кунда университетда 16 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Шундан 2,6 минг нафари хорижий мамлакатлар, 30 нафардан ортиғи Ўзбекистон ёшларидир. Ҳозирги кунга қадар мазкур университетда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчи таълим олган.

2010 йилда Тошкентда Нагоя университетининг ваколатхонаси очилган эди. МДҲдаги ягона мазкур ваколатхона мамлакатларимиз олий ўқув юртлари учун таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида кўприк вазифасини ўтамоқда. Бевосита университет иштирокида икки мамлакатда мунтазам ўтказилаётган Ўзбекистон – Япония талабалар академик форуми ва олий ўқув юртлари ректорларининг анъанавий конференциялари илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда.

Давлатимиз раҳбари университет фаолияти билан танишди, унинг президенти Сейичи Мацуо билан учрашди. Учрашувда бир неча Нобель мукофоти совриндорлари ва бошқа олимлар иштирок этди.

– Сизнинг юртимизга илмий ҳамкорлигимизни ривожлантириш борасида қилаётган катта хизматларингизни алоҳида қадрлаймиз. Айниқса, ўтган йили Нобель мукофоти совриндори, профессор Рёжи Ноёри жаноблари билан биргаликда Ўзбекистонга ташрифингиз мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Сейичи Мацуонинг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университети илмий кенгаши уни университетнинг фахрий ректори этиб сайлади. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан профессор Ноёрига фахрий академик унвони берилди.

Учрашувда Президентимиз Сейичи Мацуо ва Рёжи Ноёрини ушбу унвонлар билан табриклади.

Академик алмашинувларни фаоллаштириш ҳамда ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма илмий тадқиқотлар амалга оширишга келишиб олинди.

Нагоя университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга фахрий доктор унвонини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда университет раҳбарияти, профессор ва ўқитувчилари, талабалари ҳамда Нобель мукофоти совриндорлари, Японияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда илм-фан ва академик алмашинувларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун, шунингдек, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган иқтисодиётни либераллаштириш ва барқарор тараққиётга эришиш борасидаги ислоҳотлар эътирофи сифатида Нагоя университетининг илмий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга университет фахрий доктори унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Маросимда Нагоя университети президенти Сейичи Мацуо сўзга чиқиб, Ўзбекистон раҳбари икки мамлакат ўртасида илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани, ушбу қарор томонларнинг таълим соҳасидаги узоқ муддатли ва истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган интилиши ифодаси эканини таъкидлади.

Президентимиз замонавий тараққиётнинг калити илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция киритишни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистоннинг эртанги куни замонавий кадрларга боғлиқ эканини инобатга олган ҳолда, мактабгача таълим, умумий таълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгиланмоқда.

Мамлакатимизда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар яратади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятлар билан бирга, илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби ҳзгу фазилатлар бирлаштириб туришини таъкидлади. Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилаётганини қайд этди.

– Бу унвонни, мен аввало Ўзбекистон халқига кўрсатилган эҳтиром ифодаси, деб қабул қиламан ва бунинг учун Нагоя университети раҳбариятига, унинг илмий жамоасига чуқур миннатдорлик билдираман, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Ўзбекистон таълим ва фан соҳаларидаги кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигида улкан ишлар амалга оширилганини қайд этиб, айни вақтда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам мавжудлигини таъкидлади ҳамда қатор таклифларни илгари сурди.

Президентимиз Ўзбекистон – Япония азалий дўстлигининг рамзи сифатида мамлакатимизда ўзбек ва япон тилларида чоп этилган бир қанча китоб ва альбомларни Нагоя университети кутубхонасига тақдим этди.

Шу ерда Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳрида таълим олаётган ва фан билан шуғулланаётган ватандошларимиз билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Нагоя университетида Ўзбекистон – Япония талабаларининг академик форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куннинг иккинчи ярмида Токиога шаҳрига келди.

"Ханэда" халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Япония таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар, таълим тизимини тиклаш масалалари вазири Хагиуда Коичи, Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Хидеки Уяма ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳридаги Акасака қароргоҳида Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамланиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги ташриф арафасида икки мамлакатнинг кўп сонли компания ва банклари иштирокида ўтган бизнес-форумнинг юқори натижалари юксак баҳоланди.

Учрашувда инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ташриф давомида солиқ соҳаси ва божхона иши бўйича имзоланаётган икки томонлама битимлар аҳамияти қайд этилиб, бу узоқ муддатли ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиши таъкидланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва молия тизимини ислоҳ этишнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония парламентининг "Ўзбекистон – Япония" дўстлик лигаси вакиллари билан учрашди. Тадбирда ушбу лиганинг қатор аъзолари, жумладан, унинг раиси – Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асо иштирок этди.

Парламентлараро алоқалар кўп қиррали Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида алоқалар 1993 йилда ўрнатилган. Япония парламентида "Ўзбекистон – Япония" дўстлик лигаси ташкил этилган. Унинг таркибига таниқли сиёсат арбоблари, депутатлар, дипломатлар, энг асосийси, мамлакатимизнинг чинакам ва ишончли дўстлари киради.

Мулоқот чоғида икки мамлакатнинг амалий ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Япония халқлари дўстлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ҳозиргача парламентлараро форумнинг иккита қўшма мажлиси бўлиб ўтган. Унинг учинчи мажлисини Тошкентда ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳрида Япония ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув ўтказди. Унда JETRO, JICA, JABIC, NEDO, JOGMEC, Mitsubishi, Itochu, Sumitomo, Marubeni, Isuzu каби корпорация ва компаниялар, молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашув аввалида 16 декабрь куни Токиода бўлиб ўтган Япония – Ўзбекистон бизнес-форуми натижалари ҳақида ахборот берилди.

Президентимиз Япония компаниялари ва молиявий тузилмаларини Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этишга таклиф қилди.

– Япония – бизнинг стратегик шеригимиз. Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича ҳамкорликда кўп ишлар қилинди. Биз бу алоқалар тарихида янги саҳифа очиш ниятида келдик. Савдо, энергетика, геология, кимё, транспорт, туризм, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида имкониятлар, янги лойиҳалар кўп, – деди Шавкат Мирзиёев.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар фаол жалб этилмоқда. Хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Улар фаолиятини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилди, ташқи савдо ва божхона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган ушбу янгиланишлар натижасида Жаҳон банкининг "Бизнесни юритиш – 2020" рейтингида Ўзбекистон кейинги бир неча йил ичида 100 поғона кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ҳамда йигирмата энг намунали ислоҳотчи давлат қаторига кирди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича мамлакатимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринни эгаллади.

Президентимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ортга қайтмаслигини, иқтисодиёт изчил модернизация қилинишини таъкидлади.

Япониялик тадбиркорлар юртимиздаги ўзгаришларни юқори баҳолади. Валюта тизимининг либераллаштирилиши, виза олиш тартибининг соддалаштирилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратганини таъкидлади. Улар Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янги мазмун билан бойитишига ишонч билдирди.

Учрашувда икки мамлакат компаниялари ва молиявий ташкилотлари ўртасидаги шерикликни янада ривожлантириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро товар етказиш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбири
Япония.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Нагоя университетидаги учрашувдаги нутқи

Бошланиши 1-саҳифада.

Қадрли дўстлар!

Биз Ўзбекистонда бундан уч йил аввал миллий тараққиётимизнинг янги Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Жамият ҳаётида ҳар томонлама очиқлик ва эркинликни таъминлаш, мамлакатни модернизация қилишга асосланган ушбу Стратегия доирасида беш устувор йўналишда изчил ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз.

Бу жараёнда энг ривожланган давлатларнинг, хусусан, илғор япон тажрибасидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Чунки Япония бизнинг вақт синовидан ўтган, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланган стратегик шеригимиздир.

Биз ушбу ташрифни ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлигимиз тарихида бошланаётган мутлақо янги даврнинг ўзига хос ифодаси деб биламиз.

Япония Ўзбекистонни халқаро майдонда доимий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айни пайтда иқтисодиётимизни ривожлантириш, устувор ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг 5 мингдан зиёд ёшларимиз Япония университетларини тамомлаб, ўз билим ва тажрибаларини Ватанимиз равнақи учун сафарбар этаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Мен кўп йиллар олий таълим тизимида ишлаган инсон сифатида бу соҳанинг шарафли, шу билан бирга нақадар машаққатли ва масъулиятли эканини яхши биламан.

Биз бугун учрашиб турган Нагоя университети билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги 20 йилдан зиёд тарихга эга. Сизнинг университетингиз 2010 йилда Тошкент шаҳрида ўз ваколатхонасини очганини биз юксак баҳолаймиз. Ҳозирга қадар мазкур даргоҳда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар таҳсил олгани айниқса қувонарлидир.

Бугунги учрашувимизда Японияда ўқиётган кўплаб ёшларимизни кўриб турганимдан хурсандман. Сизлар ўз истеъдод ва салоҳиятингизни намоён этишингиз учун Ўзбекистонда барча шароит ва имкониятларни яратиб берамиз. Мен ҳозир сизларни кўриб, юзингиздаги, чеҳрангиздаги ўзингизга бўлган ишончингизни ҳис қилиб хурсанд бўлиб ўтирибман. Сизларга қараб, барчангиз чиндан ҳам жонажон Ватанимизга муносиб ўғил-қизлар бўлишингизга ишонч ҳосил қилдим. Энг катта вазифангиз – вақтингизни бекор ўтказмасдан, аъло ўқиш, юқори технологияларни чуқур эгаллаш, Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Шу йўлда барчангизга янги ютуқ, бахт ва омадлар тилайман.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Глобаллашув даврида жаҳоннинг кўпгина тараққий этган давлатлари "ахборот жамияти", "билимлар иқтисодиёти", "рақамли иқтисодиёт" йўлини танлаганига гувоҳмиз.

Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилмоқда.

Бундан ярим аср муқаддам пухта ўйланган, тараққиётнинг илм-фанга асосланган "япон модели" туфайли мамлакатингиз бугун барча соҳаларда етакчи давлатлардан бирига айланди.

Япония фани сунъий интеллект, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, робототехника, космик тадқиқотлар, ядровий тиббиёт, "яшил энергетика" йўналишларидаги илмий изланишлар борасида оламшумул ютуқларга эришмоқда. Хусусан, мамлакатингиздан 28 нафар Нобель мукофоти совриндори етишиб чиққани ҳам бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Ҳурматли дўстлар!

Биз замонавий тараққиётнинг калити айнан илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция киритишни давлат сиёсати даражасига кўтардик.

Ўтган йили Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш Стратегиясини қабул қилдик. Биз инновациялар соҳасидаги илғор мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Бугунги кунда 33 миллионли юртимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Креатив фикрлайдиган, фаннинг муайян соҳасида чуқур билимга эга, юқори интеллектуал салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш устувор мақсадимиз ҳисобланади.

Бунга эришиш учун охирги уч йилда 36 та янги олий ўқув юртлари ташкил этилиб, институт ва университетларимиз сони 116 тага етказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Италия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур ва бошқа давлатлар етакчи олий ўқув юртларининг 22 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Давлат кўмагида жаҳоннинг илғор илмий ва таълим марказларида етук мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимли асосда йўлга қўйилди. Бу жараёнларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) фаолиятини миннатдорлик билан эътироф этишни истар эдим.

Япония ҳукуматининг ташаббуси – "Глобал-30" дастури бўйича Нагоя университетининг Марказий Осиё мамлакатлари учун масъул этиб белгиланган ғоятда самарали бўлмоқда.

Биз Нагоя университетининг президенти, ҳурматли Мацуо жанобларининг юртимизга бир неча марта ташриф буюриб, илмий ҳамкорлигимизни ривожлантириш борасида қилаётган катта хизматларини алоҳида қадрлаймиз. Айниқса, у кишининг ўтган йили Нобель мукофоти совриндори, профессор Ноёри жаноблари билан биргаликда Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Хабарингиз бор, Нагоя университетининг муҳтарам президенти Мацуо жанобларининг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университети илмий кенгаши у кишини ушбу университетнинг фахрий ректори этиб сайлади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Япониянинг "Кадрлар тайёрлаш" дастури доирасида мамлакатимизнинг 300 дан зиёд ёшлари юртингизда магистрлик ва докторлик илмий даражаларини олишга эришдилар. Ўзбекистон – Япония ёшлар инновация маркази орқали ҳам ўнлаб йигит-қизларимиз япон университетларида малака оширмоқдалар.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигида амалга оширилган ишларимиз эътирофга сазовор. Айни вақтда ҳали бу борада ишга солинмаган имкониятларимиз ҳам борлигини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан айрим таклифларни билдиришга ижозат этгайсиз.

Биринчидан, Нагоя университетининг ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган Япония – Ўзбекистон университетлари ректорлари анъанавий конференцияси илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда. Биз ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида илмий-академик алмашувлар ва технологиялар трансфери бўйича Ўзбек-Япон қўшма фондини ташкил этишни таклиф этамиз.

Мазкур фонд ўзаро илмий тадқиқотларни, икки мамлакат ёш олимларининг биргаликдаги илмий изланишларини молиялаштириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашуви бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу фонд фаолияти Ўзбекистонда айни шундай йўналишда иш олиб бораётган "Истеъдод" фондининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Дастлабки қадамлар сифатида биз ҳар йили Нагоя университетининг 15 нафар профессор-ўқитувчисини Ўзбекистонда азиз меҳмонлар сифатида қабул қилишга тайёр эканимизни билдираман.

Улар ўз фан йўналишлари бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртларида маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар, маҳорат дарслари ўтказиб берсалар, биз ниҳоятда миннатдор бўлардик. Айни вақтда ана шундай алмашувлар дастури асосида ҳар йили мамлакатингизнинг 50 нафар талаба-ёшларини 15 кун давомида Ўзбекистоннинг тегишли олий ўқув юртларида кутиб олишга тайёрмиз. Ўйлайманки, мана шу 50 нафар талабанинг 50-60 фоизи Нагоя университети талабалари бўлса, айни муддао бўлар эди.

Ишончим комил, бундай лойиҳалар икки томонлама муносабатларни юқори босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшади. Нега деганда, ёшларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкам бўлса, дўстлик ва ҳамкорлигимиз албатта самарали ва бардавом бўлади.

Иккинчидан, Нагоя университети ва Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз Фанлар академияси қошида нанотехнологиялар асосида янги материаллар яратиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этаман.

Учинчидан, ўзбек-япон археологлари билан биргаликда юртимиз ҳудудида жойлашган буддавийлик тарихи ва маданиятига оид археологик ёдгорликларни илмий ўрганиш ишларини давом эттиришимиз зарур. Биз бу борада япониялик дўстларимиз билан бирга, Термиз давлат университети қошида Ўзбек-Япон илмий марказини ташкил этишдан манфаатдормиз.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Биз яқинда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида илм-фан ва инновациялар бўйича маслаҳатчи-вакил лавозимини жорий этдик. Нега десангиз, мен бу учрашувдан олдин ҳурматли президент Мацуо бошчилигидаги бутун илмий жамоа, Нобель мукофоти лауреатлари, проректорлар, профессорлар билан кўришганимда кўп-кўп масалаларни келишиб олдик. Мана шу масалаларни амалга ошириш бўйича бизнинг маслаҳатчи-вакилимиз Нагоя университети билан бевосита шуғулланади. Айтиш мумкинки, у Ўзбекистон Президентининг Нагоя университетидаги ишончли вакили бўлади.

Вақт ўтади, бугунги тарихий учрашувимиз натижалари икки олий ўқув юрти – Нагоя университети ва Тошкент давлат техника университети ўртасидаги алоқаларга, энг асосийси, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларимизга катта ижобий таъсирини кўрсатади, деб ишонаман.

Муҳтарам дўстлар!

Ўзбек халқи Япониянинг қадимий тарихи ва бой маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билан қарайди. Бунинг амалий тасдиғи сифатида яқинда мамлакатимизда "Япония конституцияси", "Япон шеърияти гулдастаси", "Марказий Осиё маданий мероси Япония тўпламларида", "Ўзбекистон япониялик қалбида" каби бир қанча китоб ва альбомлар ўзбек ва япон тилларида чоп этилди.

Ижозатингиз билан, ушбу нашрларни Нагоя университети кутубхонасига тақдим этмоқчиман. Ўйлайманки, мана шу китоблар сизнинг кутубхонангиздан жой олиб, ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги ҳамкорлигимиз, бугунги билдирилган фикрлар, катта-катта таклифларнинг натижаси сифатида икки-уч йилдан кейин таржима қиладиган китобларимиз янада кўпаяди, деб истак билдираман.

Мен боя учрашув пайтида ҳурматли Мацуо жанобларига айтдим: "Энди сизнинг жамоангиз фақат Нагояда эмас, балки Тошкентда ҳам катта илмий жамоа ҳисобланади, ўзбек олимлари, талабалари сизни ректор сифатида кутади", деб у кишини Ўзбекистонга ташриф буюришга таклиф қилдим.

Муҳтарам президент Мацуо жаноблари!

Ҳурматли университет илмий жамоаси!

Сўзимнинг якунида менга ва халқимизга кўрсатган юксак ҳурмат ва эҳтиромингиз учун ўз номимдан, делегациямиз номидан яна бир бор миннатдорчилик билдириб, барчангизни Ўзбекистонга таклиф этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Муносабат

Шундай ҳақиқатлар борки...

уларга ишонч уйғотишнинг ўзи камлик қилади, уларни ҳис этишга шароит ва имкон яратмоқ керак

Мустақил тараққиёт йўлимизни белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги кўп миллатли халқимиз томонидан кенг нишонланди. Мазкур санага бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар қандай демократик ислоҳотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқлигини яна бир карра таъкидлади. Маърузада судларнинг чинакам мустақиллигига эришиш ҳақидаги фикрларини ўқиб, бундан анча йиллар муқаддам Германия Федератив Республикасига парламент делегацияси таркибидаги ташрифимиз давомида Берлин шаҳар суди судьясининг айтган гаплари ёдимга тушди.

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир. Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Учрашувда Германияда фаолият юритаётган судлар мустақиллиги қандай таъминлангани ҳақида сўрадим. Шунда Берлин шаҳар суди судьяси бир воқеани гапириб берди:

– Берлин шаҳар судига ёш судья ишга келади, унга бир жиноят ишини кўриб чиқиш топширилади. Суд раиси ёш ҳамкасбимиз чиқарган ҳукм билан танишиб, таҳририй тузатишлар киритади. Такроран айтаман, асосий мазмунга таъсир қилмайдиган фақат таҳририй тузатишлар. Шундан кейин ёш судья юқори турувчи инстанцияга "менинг фаолиятимга аралашди" деган маънода шикоят қилади. Охири нима бўлди, биласизми? Ўн беш-йигирма йил ишлаган судья ишдан кетади...

Албатта, бу воқеа қайсидир маънода ачинарли. Лекин Президентимизнинг "...суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим" деган гапига ибрат қилиб олса бўлади. Токи бундан мансабдор шахслар ўзлари учун хулоса чиқаришсин.

Адолатли жамият барпо этиш қонун устуворлигини таъминлашдан бошланар экан, демак, судлар мустақиллигига расманасига эришиш керакким, улар фаолиятига четдан бўладиган ҳар қандай аралашув жиноят деб баҳоланмоғи шарт. Жиноят бўлганда ҳам коррупция жинояти сифатида қаралмоғи зарур.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари тизимни янада демократлаштириш, фаолият самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга ишончини кучайтириш, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида ташланган муҳим қадамлардан бўлди. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Номи қайд этилган биринчи фармонда муҳим масала, яъни судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) назарда тутилди. Бу билан судьянинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, қолаверса, касбига содиқ ва ҳалол ишлайдиган судьяларни рағбатлантириш механизми яратилди. Кейинги фармон эса судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Судьялар олий кенгаши ташкил этиш назарда тутилди.

Кўриб турганингиздек, соҳада ислоҳотлар босқичма-босқич, узвийлик асосида олиб борилмоқда. Давлат бошлиғи томонидан янада муҳим вазифалар кун тартибига қўйилмоқда. Маърузада такидланганидек, кейинги пайтда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти суд, прокуратура, ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликларга тааллуқли бўлиб қолмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун, энг аввало, **"Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак".**

Жиноят кодексида белгиланган туҳмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш ёки ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш жинояти учун оддий фуқаро қандай жавобгарликка тортиладиган бўлса, мансабдор шахс, айтайлик, ҳоким ҳам шундай жавобгарликка тортилиши лозим. Президент уқтирганидек, унга ҳеч ким "адвокатлик" қилмасин. Оддий фуқаролар кўз ўнгида адолат топталмаслиги, жиноят учун жазо ҳамма учун муқаррар бўлмоғи керак.

Дарҳақиқат, буюк мутафаккир Шарл-Луи Монтескьё айтганидек, шундай ҳақиқатлар борки, уларга ишонч уйғотишнинг ўзи камлик қилади, уларни ҳис этишга шароит ва имкон яратмоқ керак.

Абдумannоб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди котибиятининг мудири, юридик фанлар номзоди

Ёшлар ва сайлов:

жамиятни янгилашнинг муҳим омили

Ҳар қандай шакл ва юксак даражадаги сайловлар демократиянинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқаролар сайловлар орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-, 117-моддалари ҳар бир фуқарога давлат органларининг демократик шаклланишида иштирок этиш, ҳокимият вакиллик органларини сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Аҳолининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистонда ёшларнинг сайловларда самарали иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Шу йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган парламент ва маҳаллий давлат органлари сайловларида 22 миллион 600 минг нафар сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, бу муҳим сиёсий жараёнда 2 миллиондан кўпроқ навқирон авлод вакиллари илк маротаба иштирок этади.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга йўллаган байрам табригида "Айниқса, бу йил мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда чуқур билим, қатъий гражданлик позициясига эга бўлган ёшларимиз фаол қатнашиб, вакиллик органларида муносиб ўрин эгалласа, бу нафақат ёш авлоднинг, балки бутун халқимиз манфаатларини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади" дея алоҳида таъкидлаган эди.

Шу боис, ёшларни сайлов жараёнига фаол жалб этиш сайлов кампаниясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ёшлар билан ишлаш ва уларнинг сайлов жараёнидаги иштирокини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди. МСК томонидан ёшларни сайлов жараёнига жалб этиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилди. Хусусан, МСК сайлов ҳуқуқи бўйича "Мен сайловларга тайёрман" мавзусида республика танловлари ўтказиб келинмоқда, "Сайлов – 2019" мавзуидаги видеороликлар республика танлови ташкил этилмоқда. "Менинг овозим – мамлакатимиз келажаги", "Сайловлар – менинг конституциявий ҳуқуқим" мавзусида форумлар ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 20 октябридан 20 ноябрига қадар МСК томонидан "Сайлов қонунчилигини тарғиб этиш ойлиги" деб эълон қилинди ва унда ёшлар вакиллари ҳам фаол иштирок этди.

Бугунги кунда интернет манбаларининг муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, сайловларни ташкиллаштириш тартибларини интернет тармоғи орқали ёритиш ёшларни яқинда бўлиб ўтадиган сиёсий воқеаларга жалб этишнинг самарали усулларидан саналади. Шу муносабат билан МСК томонидан "Сайловлар – 2019" мобиль иловаси яратилди. Ушбу илова, фуқаролар, энг аввало, ёшларни сайлов кампанияси тўғрисида тўлақонли хабардор қилишга қаратилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларида МСК аъзолари ва сиёсий партиялар вакиллари иштирокида семинар-тренинглар, конференциялар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, 20 октябрдан 20 ноябргача Тошкент давлат юридик университетида МСК, сиёсий партиялар билан ҳамкорликда сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти ҳамда сиёсий партияларнинг сайловолди платформаларини кенг тушунтириш бўйича туркум тадбирлар ўтказилди.

Бугунги ёшлар сайлов кампаниясининг давом этишига жуда қизиқади. Уларнинг аксарияти ҳам МСК, ҳам сиёсий партиялар томонидан ўтказиб келинаётган тарғибот тадбирларида фаол иштирок этиш бўйича ўз истакларини билдирганлар. Хусусан, фақатгина Тошкент давлат юридик университетидан 65 нафар талаба кўнгилли бўлиш истагини билдирган. Улар сайловчиларнинг ҳуқуқий онгги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, кенг жамоатчиликка янги Сайлов кодексининг мазмун-моҳиятини, сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини тушунтириш бўйича маҳаллалар, мактаблар ва бошқа муассасаларда турли учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиб келмоқда. Бу каби тадбирлар ёш сайловчиларга сайлов институти, унинг аҳамиятини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда аҳолини мазкур муҳим сиёсий воқеага кенг жалб этиш имконини беради.

Юқоридагилар мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, хусусан, сайлов жараёнида фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган деб таъкидлашга асос бўла олади. Буларнинг барчаси, бўлажак сайловларни юксак демократик даражада ўтказилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Адлия вазирининг ўринбосари,
Тошкент давлат юридик университети ректори

Бизнинг номзодлар



Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутатлигига воҳадаги 59 та сайлов округидан O'zLiDeP томонидан ҳам муносиб номзодлар кўрсатилган. 9-Гулистон сайлов округидан номзоди илгари сурилган Шуҳрат Аслонов ишчан, ташаббускор сафдошларимиздан бири.

"Ташаббускор бўлмасангиз, ютқазасиз"

У 1999 йили Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини, 2012 йили Тошкент кимё-технология институтини тамомлаган. 2011-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини Қарши шаҳар ҳокимлигида меҳнат нозири вазифасидан бошлаган. 2000 йили "Шўртангазкимё" мажмуасига сув таъминоти ва оқова цехи машинисти бўлиб ишга кирган. Шуҳрат Аслонов меҳнатсеварлиги, ўз устида тинимсиз ишлаши натижасида оддий машинистликдан мазкур гигант мажмуанинг раҳбари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Шуҳрат Аслонов ўз сайловолди дастурида Ғузор тумани аҳолисини қийнаётган бир қанча муаммолар бартараф этилишига қаратилган таклифларни баён қилган. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш борасидаги ишларга тадбиркорларни жалб этиш, нефть ва газ корхоналаридан чиқаётган газларни зарарсизлантириш учун махсус мосламалар ўрнатиш, томчилатиб суғориш орқали лалмикор майдонларда мевали ва манзарали боғлар яратиш, томорқаларда иссиқхоналар ташкил этиб, гидропоник усулда сабзавот ва цитрус мевалар етиштиришни йўлга қўйиш, лалми майдонларга эса ёнғоғи қўй-эчкилар учун яхшигина озуқа бўладиган эман, акация ва глядичие дарахтларини экиб, чорвачилик учун озуқа базаси яратиш шулар жумласидан.

Депутатликка номзод йирик саноат корхонасининг раҳбари сифатида республикамиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш, чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликни янада яхшилашга йўналтирилган талай лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда ташаббус кўрсатиб келаётир. Унинг раҳбарлигида мажмуада ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор янгиланишлар амалга оширилди.

Шуҳрат Аслонов мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган партия фаолларидан биридир. Айниқса, вилоят иқтисодини юксалтириш, нефть ва газ саноати корхоналарини замонавийлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида унинг хизматлари беқиёс.

– Партиямизнинг тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга қаратилган ғоялари ҳаётийлиги билан одамлар қалбидан жой олиб улгурди, – дейди номзод. – Эндиликда ислоҳотларнинг жадаллаштиришдек масъулиятни зиммасига олган ягона сиёсий куч сифатида янада фаолроқ бўлишимиз керак. Жамоамиздаги ҳар бир ходим зиммасидаги масъулиятни теран англаяпти, ютуқларга муносиб ҳисса қўшиш баробарида аҳоли ўртасида олиб борилаётган ғоявий-сиёсий ишларда фаол қатнашяпти. Мажмуамиздаги бошланғич партия ташкилоти нафақат Қашқадарё, балки мамлакатимиздаги энг йирик тузилмалардан саналади. Бугунги кунда 1700 нафардан ортиқ аъзони ўзида бирлаштирган мазкур қуйи бўғин томонидан амалга оширилган сиёсий-тарбиявий ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Заводимиздаги 25 та цехда партия аъзолари фаолият кўрсатмоқда. Илғор ва ташаббускор ёшлардан иборат либерал-демократлар ҳар жабҳада ҳамкасбларига намуна бўлиб келишмоқда. Амалга оширилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, маънавий-маърифий ишларда ҳам маслакдошларимиз бош-қош. Ҳар ойда битта цехда ташкил этиладиган давра суҳбатларида маслакдошлар фаол қатнашиб, партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш мақсадида тарғибот ишларини кучайтириш, ёшларнинг муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш каби ўнлаб долзарб мавзулар юзасидан баҳс-мунозаралар юритишади. Фаолларимиз аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, одамларнинг интеллектуал қобилиятини ишга солиш, туманнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида таклифларни илгари суришмоқда.

Дарҳақиқат, мажмуа раҳбарияти ва бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ғузор, Деҳқонобод туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қувурлар тортиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Болалар спорт комплекси, мактаб ва тиббиёт масканлари қурилиб, таъмирдан чиқарилди. Иш жараёнида хавфсизликни таъминлаш, ишчи-хизматчилар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам раҳбарият эътиборида. Корхонада ҳар йили юздан ортиқ ходим республикамизнинг энг яхши сиҳатгоҳларида ҳордиқ чиқариб қайтади. Ишлаб чиқаришда алоҳида ўрнак кўрсатаётган, янги-янги рационализаторлик таклифлари билан чиқаётган мутахассислар алоҳида рағбатлантириляпти. Спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш учун ходимларга барча шароит яратилган. Ёшлар дунёнинг энг йирик нефть-газ компаниялари ва академияларига ўқиш, иш ўрганишга юбориляпти. Бугун корхонадаги асосий ишлаб чиқариш цехларига раҳбарлик қилиб турган билимдон маҳаллий кадрлар O'zLiDeP фаолларидир. Серғайрат жамоа технологик жараёнларни муттасил такомиллаштириш ва янгилаш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини йил сайин оширмоқда.

Шуҳрат Аслонов нафақат агромуҳандис, нефт ва нефт-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси билимдони, балки давлат ва жамият қурилиши борасида катта билимга эга сиёсатчи сифатида жамоа ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган. У мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги янгиликлар, ислоҳотлар моҳиятини ёшларга етказишда жонкуярлик қилади. O'zLiDePнинг дастурий мақсадларини кенг тарғибот этиш баробарида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини янада яхшилаш борасидаги таклифлари билан чиқаётган ташаббускор раҳбар, халқнинг дарду ташвишларини ўз дарди деб биладиган партия фаолидир.

Шуҳрат Аслонов инсон тинмай изланса, бор қобилиятини ишга солса, албатта, фаровон яшайди, юрт равнақига ҳисса қўшиб, бахтли келажагини ўзи қура олади, деган ҳаётий ҳақиқатни исботлаб, ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан жамоасида обрў-эътибор топиб келаётган раҳбар, иқтисодий-сиёсий билимларини муттасил ошириб бораётган изланувчан инсон. Воҳада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида қатор ибратли ишларнинг ташаббускори сифатида одамларнинг ишончини қозона олган. Бинобарин, Шуҳрат Аслонов депутат этиб сайланса, халқ вакили сифатида ўз сайловчиларининг дарду ташвишлари, ҳудуддаги аҳолининг бандлиги, турмуш шароити билан яқиндан танишиб, камчиликларни бартараф этиш учун бор билим ва тажрибасини аямайди, дейишимизга тўла асос бор. Зеро, у ҳаётдаги кўпгина тўсиқларни метин иродаси, заҳматли меҳнати, тинимсиз изланиши орқали енгиб, ҳаёт синовларида тобланиб, истиқлолга, халқимизга садоқат билан хизмат қилаётир.

Ишонамизки, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшаётган, партиямиз дастурий мақсадларини аҳолига етказиш борасида қатъият билан иш олиб бораётган номзод сайловда, албатта, ғалаба қозонади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига O‘zLiDeРдан кўрсатилган номзодлар

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ



Эгамберган Исмаилович БАБАЖАНОВ

1967 йилда Хоразм вилояти Гурлан туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1990 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1990 йилда “Агросаноатбанк”нинг Хоразм вилояти бошқармасида иқтисодчиси лавозимидан бошлаган. 1992–1995 йилларда “Деҳқонсаноатбанк” Гурлан бўлими катта иқтисодчиси, бош мутахассиси, 1995–1998 йилларда “Пахтабанк” Хоразм вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, 1998–2000 йилларда “Асака” банки Хоразм вилоят филиали бошқарувчиси ўринбосари, бошқарувчиси, 2000–2016 йилларда Марказий банк Хоразм вилоят бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи, бош бошқарма бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2016-2017 йилларда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган. 2017 йилдан “Ҳамкорбанк”нинг Урганч халқаро бизнес маркази директори лавозимида фаолият юритмоқда. У 2015 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган.



Элёр Шухрат ўғли ДУШАМОВ

1989 йилда Хоразм вилояти Шовот туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2013 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган. Ихтисослиги – тўқимачилик хомашёларини қайта ишлаш технологи. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2013 йилда “Uztex Shovot” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада ишлаб чиқариш бошлиғи лавозимидан бошлаган. 2014-2015 йиллар мобайнида “Uztex Shovot” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада ишлаб чиқариш директори – бош технолог вазифасида ишлаган. 2016 йилдан “Shovot Tekstil” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона бош директори лавозимида меҳнат қилмоқда.



Дурдона Отабоевна ҚОБУЛОВА

1969 йилда Хоразм вилояти Қўшкўпир туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1992 йилда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини тамомлаган. Ихтисослиги – ўқитувчи-муҳандис. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор. Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Қўшкўпир туманидаги 40-касб-ҳунар техника билим юртида махсус фан ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 2001–2006 йилларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қўшкўпир туман бўлими кенгаши бош мутахассиси, 2006–2012 йилларда O‘zLiDeP Қўшкўпир туман кенгаши консультанти, кенгаш раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари, 2012–2018 йилларда O‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши ҳузуридаги сиёсий таълим маркази раҳбари, 2018-2019 йилларда O‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгашида гуруҳ раҳбари бўлиб ишлаган. 2019 йилнинг сентябридан O‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши ҳузуридаги сиёсий таълим маркази раҳбари лавозимида фаолият юритмоқда.



Аллаяр Абдушарипович КУТЛИМУРАТОВ

1974 йилда Хоразм вилояти Қўшкўпир туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1996 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – география фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Мирзо Улуғбек туманидаги 308-умумий ўрта таълим мактабида география фани ўқитувчилигидан бошлаган. 1999-2000 йиллар мобайнида Қўшкўпир туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабида, 2000–2003 йилларда 308-умумий ўрта таълим мактабида, 2003–2009 йилларда Урганч иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида география фани ўқитувчиси, 2009–2012 йилларда Урганч давлат университетида география кафедраси ўқитувчиси, 2013–2017 йилларда Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейда бўлим бошлиғи, директор ўринбосари, директор лавозимларида ишлаган.

2017 йилдан Урганч давлат университети қошидаги академик лицей директори лавозимида меҳнат қилмоқда.



Нигора Машариповна КУТЛИМУРАТОВА

1970 йилда Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1994 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Ихтисослиги – даволаш иши. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Ҳазорасп тумани ип-йигирув фабрикасида лаборантликдан бошлаган. 1994–2012 йиллар мобайнида Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиалида илмий ходим, катта ўқитувчи, 2012-2013 йилларда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгашининг раиси, 2013-2014 йилларда Хоразм вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси котибияти мудири, 2014–2016 йилларда Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасида бош шифокор ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2016 йилдан “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Хоразм вилояти ҳудудий филиали директори лавозимида фаолият юритмоқда. 2003 йилдан Хоразм вилоятидаги хотин-қизларни қўллаб-қувватловчи “Ҳамдард” аёллар маркази бошқарув раиси.



Абдулла Садуллаевич РУЗМЕТОВ

1980 йилда Хоразм вилояти Урганч шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2005 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Ихтисослиги – туризм менежменти, давлат маблағларини бошқариш. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2003 йилда Урганч туманидаги “Зот элита” фермер хўжалиги бошлиғи лавозимидан бошлаган. 2008-2009 йилларда “Хоразм чорва озуқа бирлашмаси” масъулияти чекланган жамияти раиси ўринбосари лавозимида фаолият олиб борган. 2009 йилдан Урганч туманидаги “Элита чорва насл”, 2019 йилдан “AR Logistics Vegetables Fruits” масъулияти чекланган жамиятлари раҳбари вазифасида меҳнат қилмоқда.



Батирбек Бектурди ўғли ТЎРАЗОДА

1976 йилда Хоразм вилояти Боғот туманида туғилган. Миллати – туркман. Маълумоти – олий. 1997 ва 2003 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ихтисослиги – олим-агроном.

O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор. Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Боғот тўқимачилик фабрикаси таъминот бўлимида юк ташувчиликдан бошлаган.

1998–2001 йиллар мобайнида “Тупроққалъа автохизмат” очиқ акциядорлик жамияти ҳисобчиси, 2001–2003 йилларда хусусий тадбиркор, 2003-2004 йилларда “Тупроққалъа автохизмат” очиқ акциядорлик жамияти ҳисобчиси бўлиб ишлаган.

2004 йилдан Боғот туманидаги “Turazoda Botirbek” хусусий корхонаси раҳбари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Мехрибан Джуманиязовна ЮЛДАШЕВА

1967 йилда Хоразм вилояти Хонқа туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1989 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисослиги – даволаш иши. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Хоразм вилоят клиникасида шифокорликдан бошлаган. 1990–1993 йилларда Хонқа тумани марказий шифохонасида шифокор-эндокринолог, 1993–2005 йилларда Хоразм вилояти онкология диспансерида шифокор-реаниматолог, ультратовуш диагностикаси шифокори, 2005–2009 йилларда хусусий тадбиркор ҳамда ультратовуш диагностикаси шифокори бўлиб ишлаган.

2009 йилдан “Шифокор Юлдашева Мехрибан” хусусий корхонаси раҳбари лавозимида фаолият юритмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ



Азамат Ботирович ХАЙРИДДИНОВ

1977 йилда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2003 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи. Иқтисод фанлари номзоди. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1999 йилда Қарши шаҳар ҳокимлигида бош мутахассисликдан бошлаган. 2001–2006 йилларда Тошкент молия институти магистранти, ассистенти, катта ўқитувчиси, 2006–2015 йилларда молия-иқтисод факультети декан ўринбосари, декани, 2015–2019 йилларда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор бўлиб ишлаган. 2019 йил сентябрь ойидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректор лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Зиёда Аслоновна АМИНОВА

1978 йилда Қашқадарё вилояти Касби туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2000 йилда Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ихтисослиги – журналист. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали, уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2000 йилда Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясида муҳаррирликдан бошлаган. 2006 йилдан телевидение гуруҳи муҳаррири, 2007 йилдан катта муҳаррир бўлиб ишлаган. 2017 йилдан Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи бош муҳаррири лавозимида фаолият юритиб келмоқда. 2014 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ



Актам Бухарович АХМЕДОВ

1978 йилда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2000 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган (бакалавр). 2002 йилда шу университетнинг магистр даражасини олган. Ихтисослиги – менежмент ва халқаро туризм менежменти. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Г. Бобоёров номидаги ширкат хўжалигида ёрдамчи иқтисодчи лавозимидан бошлаган. 2001-2002 йилларда Тошкент шаҳар иқтисодий ночор корхоналар бошқармаси бош мутахассиси, 2002–2004 йилларда “Китоб темир-бетон буюмлари” масъулияти чекланган жамиятида молиячи, 2004–2007 йилларда “Shakhrisabz tour and travel” масъулияти чекланган жамияти тур оператори, 2007–2017 йилларда “Ахмедов Актам Бухарович” масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

2017 йилдан кўп тармоқли “Elite carton box” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида фаолият юритиб келмоқда. 2019 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.



Бобур Мансурович БЕКМУРОДОВ

1985 йилда Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2008 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Ихтисослиги – инглиз тили таржимони, банк иши. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2006 йилда “Ипак йўли” акциядорлик тижорат банкида мутахассисликдан бошлаган. 2007–2011 йилларда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази координатори, 2011–2013 йилларда Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази директори, 2013–2017 йилларда “Creative financial solutions” компаниясининг корпоратив ривожлантириш бўйича директори бўлиб ишлаган. 2017–2019 йилларда “Тараққиёт стратегияси” марказининг ташкилий-кадрлар хизмати бош координатори, ижрочи директор ўринбосари, 2019 йилдан “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ижрочи директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда. 2017 йилдан Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани кенгаши депутати.



Хуршида Саъдуллаевна ЖУМАНАЗАРОВА

1968 йилда Хоразм вилояти Янгиариқ туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1991 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тугатган. Ихтисослиги – врач-педиатр. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Хоразм вилоят Урганч шаҳри марказий шифохонасида врач-педиатрликдан бошлаган. 1992 йилдан Ғузор туман болалар поликлиникаси педиатри, 1995 йилдан Муборак туман болалар поликлиникаси педиатри.

2002 йилдан ушбу поликлиника раҳбари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Лазиз Бобоназарович РАЖАБОВ

1979 йилда Қашқадарё вилояти Нишон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2000 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тамомлаган. Ихтисослиги – муҳандис-энергетик, муҳандис-гидроэнергетик. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2002 йилда “Ўзсувтаъмирфойдаланиш” республика бирлашмасининг насос станциялари ва энергетика бўлимида бош мутахассисликдан бошлаган. 2010–2018 йилларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, “Фарғона ва Зарафшон водийлари сув ресурсларини бошқариш” лойиҳасининг бошқарув гуруҳи раҳбари, “Ўзэнергосозлаш” унитар корхонасининг гидротехник иншоотлари сектори бошлиғи, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг ўринбосари. 2018 йилдан “Қашқадарёсувқурилишинвест” ДУК директори лавозимида ишлаб келмоқда.



Юлдузой Каршиевна МАМАДИЁРОВА

1967 йилда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1989 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги – француз ва рус филологияси ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1990 йилда Шаҳрисабз туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган, 1999–2003 йилларда директор ўринбосари бўлиб ишлаган. 2003-2004 йилларда тумандаги хорижий тилларни ўқитиш маркази раҳбари, 2004–2012 йилларда “Шаҳрисабз ироқи каштачилиги” масъулияти чекланган жамият раиси, 2012–2018 йилларда туман ҳунармандлар уюшмаси раиси. 2018 йилдан Шаҳрисабз шаҳридаги “Tour” масъулияти чекланган жамияти раиси лавозимида фаолият юритмоқда.



Назира Адилқуловна ҲАСАНОВА

1966 йилда Қашқадарё вилояти Қамаши туманида туғилган. Миллати – ўзбек.

Маълумоти – олий. 1988 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Қамаши туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. 2002–2008 йилларда мазкур мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 2008–2012 йилларда ўқитувчи, 2012–2015 йилларда Қамаши туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган. 2015 йилдан тумандаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида фаолият юритмоқда.



Мухаррам Мингбоевна ТУРСУНОВА

1967 йилда Қашқадарё вилояти Ғузор туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1990 йилда Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институтини тамомлаган. Ихтисослиги – педиатр-шифокор. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1990 йилда Қарши шаҳридаги 3-поликлиникада педиатр лавозимидан бошлаган. 1991–1995 йилларда Ғузор тумани марказий шифохонаси тасарруфидаги “Эскибоғ” қишлоқ врачлик пунктида педиатр, 1995-1996 йилларда Ғузор тумани марказий шифохонаси чақалоқлар бўлими мудири бўлиб ишлаган. 1996 йилдан ҳозирги кунга қадар айни бўлим шифокори сифатида фаолият юритмоқда.



Актам Ахмадович ХАИТОВ

1974 йилда Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1994 йилда Самарқанд кооператив институтини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисод ва бошқарув. Иқтисод фанлари номзоди. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1994–1997 йилларда Самарқанд кооператив институтида ўқитувчиликдан бошлаган. 1997–2014 йилларда Самарқанд вилояти ҳокимлигида етакчи, бош мутахассис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бош мутахассис, департамент мудири, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасида бошқарма бошлиғи, раис ўринбосари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири бўлиб ишлаган. 2014–2018 йилларда “Biokimyo” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари, “Ўзстандарт” агентлиги бош директори, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири. 2018 йилдан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, шунингдек, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси лавозимларида ишлаб келмоқда.



Шоира Қаҳҳоровна ҲАЙДАРОВА

1965 йилда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1988 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Қарши шаҳар саноат савдо ташкилотида иш юритувчиликдан бошлаган. 1985–2018 йилларда Қарши савдо базаси иқтисодчиси, “Чўлпон” жамоа фирмаси иқтисодчиси, Қашқадарё вилояти иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг бош мутахассиси, 2010–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, вилоят ҳокимлигида бош мутахассис, Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармасининг бош мутахассиси бўлиб ишлаган.

2018 йилдан Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармасининг ижтимоий ривожлантириш, демография, аҳоли бандлиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.



Гулшана Бердиназаровна ХУДОЯРОВА

1972 йилда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1994 йилда Қарши давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – тарих, давлат ҳуқуқи асослари, жамиятшунослик фанлари ўқитувчиси. Педагогика фанлари номзоди. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Қарши шаҳар газ қурилиш савдо жамоасида иқтисодчиликдан бошлаган. 2000-2001 йилларда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти маркази бошлиғи, 2001–2005 йилларда “Нуристон” академик лицейида директор ўринбосари, 2005–2009 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида маънавият ва маърифат маркази бошлиғи, 2009-2010 йилларда Москва давлат университети Тошкент шаҳар филиали директорининг ўринбосари, 2010–2015 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида маънавият ва маърифат маркази бошлиғи, кафедра мудири, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган.

2015 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.



Кахрамон Пайзуллаевич ЭРГАШЕВ

1964 йилда Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1987 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг сиртқи бўлимини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Китоб туманлараро базасида қадоқловчиликдан бошлаган. 1985–1986 йилларда Китоб шаҳар матлубот жамиятида товаршунос-ташкилотчи, 1987–1992 йилларда Китоб шаҳридаги “Бахт” савдо маркази директори, 1992–1995 йилларда Китоб шаҳридаги матлубот жамияти раиси, 1995–1998 йилларда “Китоб нон” ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи, 1998–2009 йилларда “Davr” савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи, 2009-2010 йилларда “Оқила” хусусий фирмаси бошлиғи, 2010–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси. 2015 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати. 2012 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.



Шахноза Бахтиёр қизи ХОЛМАХАМАТОВА

1990 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2010 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаган. Ихтисослиги – тарих фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2010 йилда Шаҳрисабз туман тиббиёт коллежида тарих фани ўқитувчилигидан бошлаган. 2017 йилдан Шаҳрисабз шаҳар мактабгача таълим бўлими мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

O‘zLiDeРдан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



Дурбек Кудратиллаевич АХМЕДОВ

1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1984 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ихтисослиги – халқ хўжалигини режалаштириш. Иқтисод фанлари доктори, профессор. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтида ассистентликдан бошлаган. 1984–1986 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. 1986–1989 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институти аспиранти, 1989–1993 йилларда халқ хўжалигини режалаштириш кафедраси ассистенти, кафедра доценти, 1993-1994 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти, 1994–2001 йилларда илмий ишлар бўйича проректор, 2001–2003 йилларда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги самарали иқтисодий сиёсат маркази директори, 2003–2017 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор, макроиқтисодиёт кафедраси профессори бўлиб ишлаган.

2017 йилдан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази директори – Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Суръат Сайдивалиевич ГУЛЯМОВ

1977 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1999 йилда Тошкент давлат тиббиёт институти, 2011 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган. Ихтисослиги – стоматолог-врач, суғурта иши. Тиббиёт фанлари доктори, профессор. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1999 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтида клиник ординаторликдан бошлаган. 2004 йилда эса аспирантурани тамомлаган. 2004 йилда Тошкент тиббиёт академияси стоматология кафедраси ассистенти, 2006 йилда стоматология факультети декан ўринбосари, 2007 йилда болалар стоматологияси кафедраси доценти, 2011 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институти тиббий педагогика ва даволаш факультети декани лавозимида ишлаган. 2013 йилдан Тошкент педиатрия тиббиёт институтида илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимида ишлаб келмоқда.



Дилором Хуснитдиновна ФАЙЗИЕВА

1962 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1985 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисослиги – санитария, гигиена ва эпидемиология врачи. Тиббиёт фанлари номзоди. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедрасида ассистент-ўқитувчиликдан бошлаган. 1987–1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида илмий ходим, 1996–2010 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг сув муаммолари институтида катта илмий ходим, докторант, етакчи илмий ходим ва лаборатория мудири лавозимларида ишлаган.

2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси. 2017 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси раиси. 2016 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.



Акмал Мурадович ЖУМАБОЕВ

1987 йилда Тошкент вилояти Паркент туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2011 йилда Тошкент автомобиль-йўллар институтининг бакалавриат, 2013 йилда эса магистратура босқичини тамомлаган. Ихтисослиги – касб таълими, ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2011 йилда Тошкент автомобиль-йўллар институти “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси вазифасидан бошлаган. 2013–2015 йилларда шу институтнинг автомобиль техник эксплуатацияси кафедраси ассистенти (ўқитувчи), 2015 –2017 йилларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, кенгаш раиси. 2017–2019 йилларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ҳамда кенгаш раиси вазифасини бажарувчиси бўлиб ишлаган.

2019 йилдан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

“Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил”, “Ўзбекистон белгиси” эсдалик ва кўкрак нишонлари билан тақдирланган.



Нодир Хосиятович ЖУМАЕВ

1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1997 йилда Тошкент молия институтини, 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини тамомлаган. Ихтисослиги – молия-кредит, иқтисодчи. Иқтисод фанлари доктори, профессор. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валютани тартибга солиш ва ташқи алоқалар департаментида иқтисодчиликдан бошлаб, 2002 йилга қадар етакчи иқтисодчи, бўлим ва бошқарма бошлиғи лавозимларида хизмат қилган. 2002–2006 йилларда Тошкент молия институти доценти, 2006–2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси проректори, 2009 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори бўлиб ишлаган. 2010 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, 2010–2012 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, 2012–2015 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори, 2016-2017 йилларда “Ипотека банк” АТИБ бошқарма бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида профессор лавозимида ишлаб келмоқда.



Эркин Агзамович ЗАХИДОВ

1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1977 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – физика фани ўқитувчиси. Физика-математика фанлари доктори, профессор. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1977 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида иссиқлик физикаси бўлимининг катта лаборанти вазифасидан бошлаган. 1977–1981 йилларда иссиқлик физикаси бўлими стажёр-тадқиқотчиси, 1981–1984 йилларда Умумий физика институти (Москва шаҳри) аспиранти, 1985–1995 йилларда иссиқлик физикаси бўлими кичик, катта ва етакчи илмий ходими, 1995–2005 йилларда Фан ва техника давлат қўмитасида бошқарма бошлиғи, 2005-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти, 2006–2008 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари, 2008–2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси, 2010–2012 йилларда Фанлар академияси иссиқлик физикаси бўлими раҳбари, 2012–2016 йилларда Ион-плазма ва лазер технологиялари институти директори ўринбосари бўлиб ишлаган. 2017 йилдан лаборатория бўлими мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Вячеслав Юрьевич КАН

1976 йилда Россия Федерациясининг Волгоград шаҳрида туғилган. Миллати – корейс. Маълумоти – олий. 1998 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1998 йилда Тошкент вилоятидаги 9-умумий ўрта таълим мактабида инглиз тили фани ўқитувчилигидан бошлаган. 2005–2016 йилларда “Tirs Diling” масъулияти чекланган жамияти (Torg.uz лойиҳаси) директори бўлиб ишлаган. 2017 йилдан “MyWay Proforientation” масъулияти чекланган жамияти директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда. У, шунингдек, Яккасарой туман корейс маданияти маркази раиси ҳамдир.



Нодира Мухтаровна МАМАТОВА

1969 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1992 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисослиги – педиатр. O‘zLiDeP аъзоси. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтида катта лаборантликдан бошлаган. 1997–2000 йилларда аспирантурада таҳсил олган. 2002 йилда фармакология ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2004–2018 йилларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти доценти, 2017 йилда тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олган. 2006–2009 йилларда “Саломатлик – 2” лойиҳаси доирасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга қарши кураш бўйича 2 та халқаро лойиҳага координаторлик қилган. 2019 йилдан Тошкент давлат стоматология институти стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Шерзод Нурмухамедович МУХАМЕДОВ

1983 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2010 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Ихтисослиги – информатика ва ахборот технологиялари, иқтисодчи ва давлат бошқаруви. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2006 йилда Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-академик лицейида ўқитувчиликдан бошлаган. Ушбу таълим муассасасида катта ўқитувчи, етакчи ўқитувчи, директор ўринбосари бўлиб ишлаган. 2016-2017 йилларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман кенгаши раиси, 2017–2019 йилларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Олмазор туман кенгаши раиси.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг прогрессив педагогик технологиялар ва таълим соҳасида янги ташаббусларни жорий этиш шўъбаси мудири лавозимида хизмат қилмоқда.



Дилшоджон Алиджонович РАХМОНОВ

1985 йилда Наманган вилояти Поп туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2009 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган. Ихтисослиги – молиячи. Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида стажёр-тадқиқотчи изланувчиликдан бошлаган. 2012-2013 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси, 2013–2015 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти, 2015–2017 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири, 2017-2018 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти бўлиб ишлаган.

2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси молия кафедраси мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Нигора Абдулкаримовна САЛИМОВА

1961 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1984 йилда Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаган. Ихтисослиги – бошланғич синф ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Учтепа туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. 1995–2012 йилларда Учтепа туманидаги 107-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси, 2012-2013 йилларда ушбу мактабда ўқув ишлари бўйича мудир лавозимларида ишлаган. 2013 йилдан мазкур мактаб директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Санжар Асатуллаевич ХАМИДУЛЛАЕВ

1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1999 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган.

Ихтисослиги – иқтисодчи. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор. Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкида мутахассисликдан бошлаган. 2001 йилгача ушбу банкда етакчи мутахассис, бош мутахассис, бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият юритган. 2001–2006 йилларда “Хобос–ТАПО” қўшма корхонаси, “Morey service” шўъба корхонаси ва Мирзо Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика фондида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 2006–2015 йилларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида етакчи илмий ходим, бош илмий ходим, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси директори. 2014 йилдан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати. 2015 йилдан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Иш жойи ва лавозими	Яшаш жойи	Номзод кўрсатган партиянинг номи
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ				
1-Ал Хоразмий округи				
Мадримов Мадрахимбой Юсупович	1970	“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти Хоразм вилояти филиали директори	Урганч шаҳри	O‘zLiDeP
2-Ал Беруний сайлов округи				
Юлдашева Мехрибан Джуманиязовна	1967	Урганч шаҳридаги “Шифокор Юлдашева Мехрибан” хусусий корхонаси раҳбари	Урганч шаҳри	O‘zLiDeP
3-М. Хоразмий сайлов округи				
Рўзметов Мир Жуманазарович	1977	Урганч шаҳридаги “Drive auto expert” масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Урганч шаҳри	O‘zLiDeP
4-Навбаҳор сайлов округи				
Раджапов Илхом Бахтиярович	1978	Акциядорлик тижорат “Халқ банки” Хоразм вилояти филиали амалиёт бўлими бошқарувчиси ўринбосари	Урганч шаҳри	O‘zLiDeP
5-Маърифатчи сайлов округи				
Жуманиёзова Муборак Тохировна	1977	Урганч шаҳридаги 6-мактаб директори	Урганч шаҳри	O‘zLiDeP
6-Жалолиддин Мангуберди сайлов округи				
Садуллаева Фарахат Аминовна	1960	“Урганч миллий тикувчилик” оилавий корхонаси раҳбари	Урганч шаҳри	O‘zLiDeP
7-Тозабоғ сайлов округи				
Рахимов Адилбек Эркинович	1960	Хива шаҳридаги “Бизнес ва туризмни ривожлантириш” маркази раҳбари	Хива шаҳри	O‘zLiDeP
8-Феруз сайлов округи				
Олимов Улуғбек Хусинбай ўғли	1991	Хива шаҳар давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врачи	Хива шаҳри	O‘zLiDeP
9-Гандимиён сайлов округи				
Абдуллаев Бернад Абдушарипович	1983	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари Хива шаҳар кенгаши раиси	Хива шаҳри	O‘zLiDeP
10-Ўғизработ сайлов округи				
Қурбонов Жуманазар Омонович	1987	O‘zLiDeP Хоразм вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари	Боғот тумани	O‘zLiDeP
11-Деҳқонбозор сайлов округи				
Нурметов Сарвар Комилжонович	1979	Боғот туманидаги “Хогазмтех” масъулияти чекланган жамияти директори	Боғот тумани	O‘zLiDeP
12-Бешариқ сайлов округи				
Машарипов Махмуджон Сапабаевич	1977	O‘zLiDeP Боғот тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари	Боғот тумани	O‘zLiDeP
13-Боғот сайлов округи				
Рахимова Гўзал Бектурдиевна	1976	Боғот туманидаги 7-мактаб директори	Боғот тумани	O‘zLiDeP
14-Найман сайлов округи				
Сапаров Бобожон Хайитбоевич	1995	“Хоразмагрокимё” ҳудудий акциядорлик жамияти Боғот тумани филиали мудири ўринбосари	Боғот тумани	O‘zLiDeP
15-Гурлан сайлов округи				
Вапаев Давранбек Кадирович	1963	Гурлан шаҳарчаси Янгибоғ маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Гурлан тумани	O‘zLiDeP
16-Амударё сайлов округи				
Бабажанов Эгамберган Исмаилович	1967	“Ҳамкорбанк” Урганч халқаро бизнес маркази директори	Урганч шаҳри	O‘zLiDeP
17-Вазир сайлов округи				
Аташев Бахадир Аманбаевич	1970	“Гурлан МТП” масъулияти чекланган жамияти раиси	Гурлан тумани	O‘zLiDeP
18-Намуна сайлов округи				
Ўразметов Комил Юлдашевич	1955	“Нуроний” жамғармаси Гурлан тумани бўлими раиси	Гурлан тумани	O‘zLiDeP
19-Гулистон сайлов округи				
Машарипов Озод Исмоилович	1972	Гурлан тумани Бирлашган қишлоқ “Намуна” сув истеъмолчилар уюшмаси раиси	Гурлан тумани	O‘zLiDeP
20-Қўшкўпир сайлов округи				
Рўзметов Улуғбек Ражабович	1973	Қўшкўпир тумани “Агросаноат” касб-ҳунар коллежи директори	Қўшкўпир тумани	O‘zLiDeP
21-Ғозовот сайлов округи				
Болтаев Шухрат Ражабович	1959	Қўшкўпир туманидаги “Деҳқон бозори” масъулияти чекланган жамияти раиси	Қўшкўпир тумани	O‘zLiDeP
22-Ўртаёп сайлов округи				
Эрманов Фарход Уразбоевич	1958	Хоразм вилояти ҳокими	Урганч шаҳри	O‘zLiDeP
23-Хадра сайлов округи				
Жуманиёзов Зохид Ражабович	1983	Қўшкўпир тумани “Оқдарбанд” қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори	Қўшкўпир тумани	O‘zLiDeP
24-Кенагас сайлов округи				
Искандаров Фарход Юлдашевич	1967	Қўшкўпир туманидаги 3-мактаб директори	Қўшкўпир тумани	O‘zLiDeP
25-Бекобод сайлов округи				
Полвонова Зухра Бобожоновна	1973	Урганч туманидаги 24-мактабгача таълим ташкилоти мудираси	Урганч тумани	O‘zLiDeP
26-Ғойбу сайлов округи				
Бакиева Татяна Худойберганов на	1966	Урганч туманидаги 13-мактаб директори	Урганч тумани	O‘zLiDeP
27-Юқорибоғ сайлов округи				
Аллаберганов Илхомбек Эгамберганович	1971	Урганч туманидаги “Milliy bottlers” хусусий корхонаси директори	Урганч тумани	O‘zLiDeP
28-Юқоридўрман сайлов округи				
Тожиев Музаффар Сапарбоевич	1979	Урганч туманидаги “Тожиев Сапарбой” фермер хўжалиги бошқарувчиси	Урганч тумани	O‘zLiDeP
29-Чаккашоликор сайлов округи				
Атамурадова Минавар Аллаяровна	1957	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Урганч туман кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари	Урганч тумани	O‘zLiDeP
30-Шодлик сайлов округи				
Шарипов Умарбек Куронбаевич	1971	Урганч туманидаги “Тилло Домор” хусусий корхонаси раҳбари	Урганч тумани	O‘zLiDeP
31-Боғдор сайлов округи				
Жуманиязов Шуҳрат Бахрамович	1971	Ҳазорасп тумани ҳокимлиги молия бўлими мудири в. б.	Ҳазорасп тумани	O‘zLiDeP
32-Карвак сайлов округи				
Дурдиев Илҳам Эшчанбаевич	1974	“UzAuto Motors” АЖ Хоразм филиали ҳужжатлар назорати бўлинмаси бошлиғи	Ҳазорасп тумани	O‘zLiDeP
33-Олға сайлов округи				
Ниёзметов Алишер Раманбаевич	1987	“Хоразм Барака Авто” масъулияти чекланган жамияти директори	Ҳазорасп тумани	O‘zLiDeP
34-Навоий сайлов округи				
Абдиримов Мардонбек Давронбекович	1987	O‘zLiDeP Ҳазорасп туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари	Ҳазорасп тумани	O‘zLiDeP
35-Пахтакор сайлов округи				
Сапаева Интизор Турабаевна	1974	Ҳазорасп туманидаги 1-давлат махсус мактабгача таълим муассасаси мудираси	Ҳазорасп тумани	O‘zLiDeP
36-Обод сайлов округи				
Маткаримов Улуғбек Юлдашевич	1963	“UzAuto Motors” АЖ Хоразм филиали бошқаруви директори	Ҳазорасп тумани	O‘zLiDeP
37-Туямуйин сайлов округи				
Ражабов Қахрамон Сатимбаевич	1974	Хоразм вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси	Боғот тумани	O‘zLiDeP
38-Хива сайлов округи				
Саиджонов Умид Шамуратович	1971	Хива тумани ирригация бўлими бошлиғи	Хива тумани	O‘zLiDeP
39-Ўзбекистон сайлов округи				
Матмуратов Абдулла Рузметович	1963	Хива тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи	Хива тумани	O‘zLiDeP
40-Гандимиён сайлов округи				
Отажонов Жуманиёз Отабоевич	1959	Хива туманидаги “Муродбек” фермер хўжалиги раҳбари	Хива тумани	O‘zLiDeP
41-Нажмиддин Кубро сайлов округи				
Атажанов Сабир Ниязметович	1967	Хива туманидаги “Ниёзмат бобо” фермер хўжалиги раҳбари	Хива тумани	O‘zLiDeP
42-Журён сайлов округи				
Рахимов Музаффар Бахрамович	1981	Хива туманидаги “Khiva Silk Fabric” масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Хива шаҳри	O‘zLiDeP
43-Хонқа сайлов округи				
Матчанов Илхамбой Давлетович	1975	Хонқа туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи	Хонқа тумани	O‘zLiDeP
44-Сарапоён сайлов округи				
Абдуллаев Қахрамон Махмудович	1974	Хонқа туманидаги 10-мактаб директори	Хонқа тумани	O‘zLiDeP
45-Қирқёп сайлов округи				
Худайберганов Эргаш Муминович	1980	Хонқа туманидаги “Дурхоним курдик” фермер хўжалиги раҳбари	Хонқа тумани	O‘zLiDeP
46-Қорақош сайлов округи				
Жуманиязов Кадамбой	1958	Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Хоразм вилояти Хонқа туман кенгаши ўқув-спорт техника клуби бошлиғи	Хонқа тумани	O‘zLiDeP
47-Томадургадик сайлов округи				
